

ISSN 2181-1601

# SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME # 1 ISSUE # 6

## ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- architecture and economics;
- pedagogy, psychology, defectology

2021/IV



# SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME #1, ISSUE #6, APRIL 2021

ISSN: 2181-1601



UZBEKISTAN

## О.А.СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**Гули Бахритдиновна**

**Тўраева**

Бухоро давлат  
университети Бухоро  
тариҳи кафедраси  
ўқитувчиси

**Феруза Холмаматовна**

**Ўтаева**

Бухоро давлат  
университети Бухоро  
тариҳи кафедраси катта  
ўқитувчиси

**Нилуфар Ахматовна**

**Жумаева**

Бухоро давлат  
университети Бухоро  
тариҳи кафедраси катта  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихчи-этнограф олима Олга Александровна Сухареванинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида фикр юритилган. Шунингдек олиманинг Бухоро шаҳрида олиб борган тадқиқотлари ва докторлик диссертатсиясининг Бухоро этнографиясига бағишланганлиги ҳақида маълумот берилган . XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро шаҳридаги тарихий ҳаёт унинг "Позднефеодальный город. Бухара конца XIX - начала XX вв.", 1962 йилда Москва шаҳрида ёқлаган докторлик диссертатсиясида, "Очерки по этнографии узбеков", "Среднеазиатское искусство вышивки (о книге Н. Исаевой-Юнусовой "Таджикская вышивка") // СЭ. 1981. Н 3., Художественные ремесла Узбекистана // Звезда Востока. 1948. Н ,Бухара. XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). М., 1966. С. 19, 21; "Позднефеодальный город Бухара конца XIX - начала XX века. Ремесленная промышленность". Ташкент, 1962; Бухара. XIX - начало XX в.; "Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов)". М., 1976. номли асарларида ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар :** Сухарева Олга Александровна, А.А.Семёнов ва М.С.Андреев Ўз ССР ФА, Ўрта Осиё давлат университети, этнограф, тарихчи, шарқшунос, Бухоро, Ўрта Осиё кийимлари, каштадўзлик коллекцияси.

### STUDY OF HISTORY AND ETHNOGRAPHY OF BUKHARA IN THE RESEARCH OF O.A.SUKHAREVA

**Guli Bakhriddinovna**

**Turaeva**

Teacher of Bukhara History  
Department, Bukhara State  
University

**Feruza Kholmamatovna**

**Utaeva**

Senior Lecturer, Bukhara  
History Department,  
Bukhara State University

**Nilufar Akhmatovna**

**Jumaeva**

Senior Lecturer, Bukhara  
History Department,  
Bukhara State University

**ABSTRACT**

The article gives an idea of the life and scientific activity of the historian-ethnographer Olga Alexandrovna Sukhareva. It was also reported that the scientist conducted his research in Bukhara and that the doctoral dissertation was devoted to the Buxoro ethnography . Historical life in the city of Bukhara at the end of the XIX – beginning of the XX century its " Late feudal city. Bukhara of the late XIX-early XX centuries." "In 1962, in the doctoral dissertation I liked in Moscow, "Essays on the ethnography of the Uzbeks ", "Central Asian embroidery art (about the book by N. Isayeva-Yunusova "Tajik embroidery") / / / SE. 1981. N3., The Star of the East. 1948. N, Bukhara. XIX - early XX century. (Late Feudal city and its population). M., 1966. p. 19, 21; " Late feudal city of Bukhara of the late XIX-early XX century. Craft industry". Tashkent, 1962; Bukhara. XIX-early XX century; " The quarter community of the late feudal city of Bukhara (in connection with the history of the quarters)". Location, 1976. in his works with the name he composed his own expression.

**Keywords :** Sukhareva Olga Alexandrovna, A. A.Semyonov and M.S.Andreev FA his SSR , Central Asian State University, ethnographer, historian, Orientalist , Bukhara, Middle Asian clothing, embroidery collection.

**КИРИШ**

Олга Александровна Сухарева – Ўрта Осиё халқлари тарихи ва этнографияси бўйича етук мутахассис ҳисобланган.

О.А.Сухарева - йирик олима ,ўзининг ақл – заковати билан ажralиб турган: у этнограф, тарихчи, шарқшунос, филолог маданиятшунос , диншунос бўлган; у доимо янги ва асл материаллар тайёрлаган. Унинг ёзганларига кўз югуртирангиз, илмий аҳамияти юқори тадқиқотлар эканлигини кўриш мумкин. Сухарева Олга Александровна 1903 йил 15 февралда Самарқанд шаҳрида туғилган ва бутун умри давомида Ўрта Осиёда – асосан, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида яшаган . Мактабни Самарқандда якунлади [1].

1920 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш ишида қатнашди. 1921 йилда Ўрта Осиё давлат университетига ўқишга кирди. 1925 йилда олийгоҳни шарқшунослик факултетини тугатади. Тожик тилини мукаммал ўрганди. Унга машҳур тарихчи ва этнографлар А.А.Семёнов ва М.С.Андреевлар таълим берган [2], улар таъсирида этнографик тадқиқотларни бошлайди.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Сухареванинг фаолиятига доир яратилган тадқиқот ва адабиётлар олима хақида кенгроқ маълумот олиш имконини беради . Шарқшунос Б.В.Лунин Жданко Т.А., Б.Х.Кармишева ларнинг асарларида олиманинг автобиографияси

ҳақида маълумотлар берилган бўлса, шунингдек, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпел, А.Р.Муҳаммеджоновларнинг Бухоро тарихини тадқиқ этишда Олга Александровна Сухареванинг тарихий-этнографик асарларидан фойдаланганларни кўзга ташланади. Мустақиллик даври тадқиқотларига Ретвеладзе Э.В., Кармишева Б. Х. каби олимларнинг (К истории этнографического изучения Средней Азии в 1930-1960-е годы. Выпускники Туркестанского восточного института // Этнограф, обозрение (далее - ЭО). 2001. Н 4.), тадқиқотларида олиманинг илмий асарлари асос вазифасини ўтаган.

## **МУҲОКАМА**

Сухарева Олга Александровна ўзининг катта меҳнат фаолиятини Самарқандда Тожик педагогика институтида бошлайди, шунингдек Ўрта Осиё давлат университетида тожик тилидан дарс беради. 1933 йилдан Самарқанд давлат университетида Тил ва адабиёт факултетида фаолият юрита бошлайди. 1930-1931 йилларда тожик тилини ўрганиш бўйича иккита китоб чоп этган. Шу даврда Олга Александровна Сухарева босмахонада (Таджикгосиздате) адабиётларни русчадан тожикчага, тожикчадан русчага таржима қиласди; баъзида Айнийнинг бир қанча рисолаларини ҳам таржима қиласди.

1934 йилдан 1946 йилгача Самарқанддаги Ўз ССР маданият ва санъат давлат музеида ишлайди, шу билан бирга педагогика соҳасида ҳам ишлайди, этнографиядан маъruzалар ўқиди. Музейда ишлаган даврида О.А.Сухарева жуда кўплаб маълумотлар тўплайда, фондни асосан, кийимлар ва тўқувчилик буюмлари билан тўлдиришга ва бойитишда фаол қатнашади. Унинг меҳнати самараси ўлароқ Самарқанддаги музей энг мукаммал ўзбек ва тожик каштадўзлик коллексияси тўпланган музейга айланади. Айнан мана шу каштадўзликни таҳлил қилиш мақсадида О.А.Сухарева каштадўзлик тарихи, унинг техникасини ўрганади.

О.А.Сухарева Самарқанд ва унинг атрофлари, шунингдек, Бухоро Ўратепа ва бошқа шаҳарлардаги ўзбек ва тожик халқлари орасида бўлиб уларнинг этнографиясига тааллуқли кенг қамровли ва турли хил материаллар тўплайди. У 1940 йилда Ленинградда “Пережитки анимизма у равнинных таджиков” мавзусида тарих фанлари номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қиласди [3].

1946-1967 йилларда О.А.Сухарева Тошкентга қайтиб, ЎЗССР ФА “Тарих ва археология” институтида катта ўқитувчи ундан сўнг этнография кафедраси мудири лавозимида ишлайди.

## НАТИЖА

О.А.Сухареванинг кейинги тадқиқотлари Ўрта Осиёдаги сўнгги ўрта асрлар шаҳарлари ва хунармандчилик турлари билан боғлиқ бўлди. Олга Александровна бу соҳадаги ишларни 1940 йилдан бошлаган эди, Ўрта Осиё Давлат Университети М.С.Андреев қўл остидаги экспедитсия билан Бухорони тарихий – этнографик жиҳатдан ўрганиш уруш туфайли тўхтаб қолган эди. Қадимий шаҳардаги кўп йиллик меҳнат , аҳоли ва турли хил кварталларни ўрганиш, катта ёшли кишилар билан сухбатлашиш орқали – хунармандчилик ва бошқа аҳоли гуруҳлари тўғрисида, шаҳарнинг топографияси , тарихий асарлар , шунингдек , бошқа сайёҳлик маълумотлари натижасида ўзининг материалларини анча бойитади. Олга Александровна 1950, шунингдек , 1956 ва 1960 йилларда деярли ҳар йил Бухорога келиб кетарди. 1948 йилда у Бухородан ташқари , Қарши ва Шаҳрисабзда ҳам бўлади[4].

“Бухоро” мавзусида ишлаш бошқа ишлар билан ҳамоҳанг олиб борилди. Бу ҳақда 1955 , 1956,1958 йиллардаги хат - ёзишмаларида ёзид қолдирилган. Олга Александровна доим бошқа ишлар унунг асосий мавзуда ишлашига тўсиқ бўлаётганини ёзган.

Қадимий шаҳардаги кўп йиллик меҳнат , аҳоли ва турли хил кварталларни ўрганиш, катта ёшли кишилар билан сухбатлашиш орқали – хунармандчилик ва бошқа аҳоли гуруҳлари тўғрисида, шаҳарнинг топографияси , тарихий асарлар , шунингдек , бошқа сайёҳлик маълумотлари натижасида ўзининг материалларини анча бойитади. Узок меҳнат натижасида Олга Александровна Ўрта Осиёдаги сўнгги ўрта асрлар шаҳарлари ҳақида тарихий – этнографик монографиялар ёзди: “К истории Бухарского ханства ”(Тошкент 1956); “Позднефеодальный город Бухара конца XIX - начала XX вв .Ремесленная промышленность” (Тошкент 1962); “Бухара XIX - начала XX вв : позднефеодальный город и его население ” (Москва,1966 );

О.А.Сухареванинг 1966 йилда Москвада нашр қилинган “Бухара XIX - начала ХХ вв : позднефеодальный город и его население ” номли илмий китоби қуйидаги 4 бўлимдан иборат.

- 1.Бухоро шаҳри худуди ва топографияси, географик жойлашуви ҳамда табиати,бозорлар, карvonсаройлар,тарихий жойлар, қабристонлар, аҳоли гузарлари, шунингдек, шаҳарнинг қурилиш режаси ҳақида маълумот берилган.
2. Бухоро оиласарининг таркибий тузилиши ва аҳоли сонига бағишланган.
3. Тарихий адабиётларда ,айниқса, тоҷик тилидаги манбаларда Бухоро аҳолиси ва этник таркиби туркий тилли халқлар ,араблар, форслар, яхудийлар, каби этник гуруҳлар тарихи ўрганилган.

4. Бухоро шахри аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзи ҳамда машғулотлари, хунармандчилик, савдо - сотик, катта ер эгалари, ҳарбийлар, зиёлилар каби ижтимоий қатламларнинг ҳаёт тарзи таҳлил қилинган[5].

XIX аср охири - XX аср бошларида жамиятнинг асосини - қишлоқ хўжалиги ва у билан бўғлиқ бўлган аграр муносабатлар Бухорода яшовчи кўплаб табақаларнинг ижтимоий аҳволини белгилаб берарди. Пойтахт Бухорода йирик мулк эгалари истиқомат қиласи эди; улар ўзларининг хусусий ерларига , кўп миқдордаги мол-мулкларига таянарди.

Кўп сонли ҳарбий хизматчилар табақаси , асосан , давлат хазинасини тўлдириш учун қарам дехқонлардан соликларни ундириши ҳакида муаллиф фикр юритган.

Бухорода йирик диний мулклар яъни вакфлар ҳам мавжуд эди. Вакф мулкларидан келадиган фойда - ерлардан, ерларда ишловчи дехқонлар меҳнатидан келарди ва диний уламолар хисобига келиб тушарди.

Бухорода , шунингдек , яна бир ижтимоий қатлам бўлиб , уларнинг фаолияти ер билан боғлиқ - ер эгалари ва дехқонлар( зироаткорлар)дир . Шаҳар ва қишлоқларда ерлар уларнинг яшаш манбаи бўлган.

Аҳолининг муҳим ижтимоий қатламларидан бу хунарманд – савдогарлар бўлиб , улар бир томондан оддий халқ , қишлоқ аҳолиси хисобланиб , қишлоқ хўжалигида фаолият юритсаларда, иккинчи томондан ўзларининг маблағлари билан олдинги қаторда туришарди.

“Бухоро” мавзусида ишлаш 15 йил давом этган .Унинг натижаси докторлик диссертацияси бўлди. 1963 йилда Москвада СССР ФА этнография институтида “Бухара XIX - начала XX вв : позднефеодальный город и его население ” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Узоқ меҳнат натижасида Олга Александровна Ўрта Осиёдаги сўнгги ўрта асрлар шаҳарлари ҳакида тарихий – этнографик монографиялар ёзди: “К истории Бухарского ханства ”(Тошкент 1956); “Позднефеодальный город Бухара конца XIX - начала XX вв .Ремесленная промышленность” (Тошкент 1962); (Бухорода XIX аср охири - XX аср бошларида хунармандчилик ); “Бухара XIX - начала XX вв : позднефеодальный город и его население ” (Москва.,1966 ) (Бухоро XIX аср охири - XX аср бошларида.Сўнгги ўрта асрларда шаҳар ва унинг аҳолиси); 1963 йилда Москвада СССР ФА этнография институтида “Бухара XIX - начала XX вв : позднефеодальный город и его население ” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган[6].

Бир вақтнинг ўзида Олга Александровна қишлоқ аҳолиси ҳаётини ҳам тадқиқ этади. 1950-йилларда у ўзбек дехқонлари ҳаётини тадқиқ қилувчи экспедитсияга бошчилик қиласи. 1955 йилда М.А.Бекжанова билан биргаликда “Айқираннинг қадимий ва ҳақиқий аҳолиси” (Наманган вилояти) асари чоп этилади. Асосий ўрганилган соҳа советлар даврида аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи, ҳаётийб ўрганиш бўлган. О.А.Сухарева этнографлар В.Г. Мошковой, А.К. Писарчик ва П.А.Гончаровой билан биргаликда “ЎзССР да миллий декоратив (безаш) саънати ; Текстил ” (Тошкент 1954) ва 1955 йилда албом тайёrlашда иштирок этган.

Шу даврда ислом ва исломгача бўлган давр ҳамда маданиятни ўрганди, ва “Ўзбекистонда ислом ” номли рисола ёзди. О.А.Сухарева доимий равишда Ўз ССР ФА “Ўз ССР тарихи ” ёзувчилар жамиятининг аъзоси бўлган. У “Совет этнографияси” журналида , “ СССР ФА этнография институти қисқача хабарлари”, “Ўрта Осиё этнографик тўплами ” ва бошқа журналларда ўз мақолаларини бериб турди . Сунингдек , “Дунё халқлари” туркумидаги “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ” китобининг “Ўзбекистон ” қисмини ёзиша иштирок этган.

Олга Александровна узоқ йиллик меҳнатини янги этнограф кадрларни етиширишга сарфлайди: йигирма йил Ўз ССР ФА да ишлаб , унинг қўл остида 10 дан ортиқ аспирант номзодлик диссертасиясини ҳимоя қилган[7].

1968 йилдан О.А.Сухарева Москвага келиши билан СССР ФА Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этнографияси институтида ишлай бошайди. Олима бу ерда Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихий- этнографик атласини тузиш олимлар жамиятини бошқарди. “Миллий кийимлар ” номли 2- асарнинг яратилишида қатнашди. Кийимлар ҳақида маълумотлар тўплади. Атласнинг –“Марказий Осиё халқлари кийимлари” номли биринчи қисмига ўзgartиришлар киритди (М.Наука .1979.), уни ёзганлар билан сұхбатлашди. 1981 йилда Н.П.Лобачев билан биргаликда Ўрта Осиё кийимлари тўғрисидаги манбаларни бойитишга ҳаракат қила бошлади. Сухарева бошчилигига атласнинг яқунланиши амалга ошди.

Бир вақтнинг ўзида О.А.Сухарева ўзининг сўнгги 4- китобини Ўрта Осиё шаҳарлари бўйича “Квартальная община позднефеодального города Бухары ” (в связи с историей кварталов ) (М.Наука.1976) ва тўртта тематик мақолаларини яратди:

- 1.“Пережитки демонологии и шаманство у равнинных таджиков” (1975) ; 2. “Традиция семейно - родственных браков у народов Средней Азии (в порядке дискуссии)”,(Ўрта Осиё халқларида оила ва никоҳ анъаналари) (1978);
3. Вопросы изучения костюма Средней Азии. (1979);

4.“Из истории городских и сельских поселений Средней Азии второй половины XIX - начала XX вв ” (1982 й .Турсунов билан ҳамкорликда )

Олга Александровна СССР ФА Шарқшунослик институтидаги “Бартолдовских чтениях ” тадқиқотларида ҳам иштирок этди.

О.А.Сухареванинг сўнгги илмий асари “История Средней Азии костюма Самарқанд.(второй половины XIX - начала XX вв) ” унинг вафотидан сўнг дунё юзини кўрди. Ушбу асарда ахолининг охирги юз йилликдаги кийим – кечаклари, уларнинг тайёрланиш техникаси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган [8]. Олга Александровна ушбу мавзу бўйича материалларни 1969-1973 йилларда тўплаган эди.

О.А.Сухареванинг асарлари рўйхати яқин йилларда қўпайиши кутилмоқда, унинг қўллэзма ҳолда сақланган “Ўрта Осиё халқлари қаштадўзлиги –сўзанидўзлиги” асари нашр этишга тайёрланмоқда.

Ўрта Осиё халқлари этнографияси ривожи учун Олга Александровна Сухарева бекиёс ишларни амалга оширган.Бунинг самараси ўлароқ 1941-1945 йилларда уруш даврида фидокорона меҳнати учун медали ва Ўз ССР ҳамда Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми фаҳрий ёрликлари билан тақдирланган[9].

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки , шарқшунос, тарихчи, хариташунос, санъатшунос Олга Александровна Сухареванинг ҳаёти, илмий тарихий ижоди, меросини ўрганиш, батафсил тадқиқ этиш, хусусан, Бухоро шаҳри маданияти, турмуш тарзи, топонимикаси, хариташунослиги борасида тарихий маълумотларни таҳлили янги илмий диссертацияларга асос бўлади.

- Олга Александровна Сухарева монографияларида Бухоро гузарлари, шаҳар аҳолиси маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг ўрганилиш даражаси юқори ҳисобланади;

- Бухоро тарихий топографияси, топонимияси ва этнонимларини ўрганилишида бугунги қунда қадимий шаҳарнинг мавзе, маҳалла, гузар, бозорлар, ҳамномлар, хиёбон, қадамжойлар номлари ва харитасини тузишда Олга Александровна Сухареванинг Бухара. XIX - начало XX в.; “Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов)”( М., 1976) "Позднефеодальный город. Бухара конца XIX - начала XX вв.", 1962 йилда Москва шаҳрида ёқлаган докторлик диссертацияси сингари асарлари бекиёс аҳамиятга эга ҳисобланади.

Олга Александровна Сухареванинг илмий тарихий меросини ўрганилиши Бухоро шаҳри ҳариташунослиги, топографиясини, аҳоли маданияти ва турмуш тарзини тӯла тасаввур қилишда назарий туртки базифасини ўтайди.

## REFERENCES

1. Жданко Т. А., Кармышева Б. Х. Ольга Александровна Сухарева (некролог) // Сов. этнография (далее - СЭ). 1983. N 6. С. 158-160;
2. Кармышева Б. Х. К истории этнографического изучения Средней Азии в 1930-1960-е годы. Выпускники Туркестанского восточного института // Этнограф, обозрение (далее - ЭО). 2001. N 4. С. 106-107.
3. Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1975. С. 9.
4. Сухарева О. А. Бухара. XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). М., 1966. С. 19, 21; Она же. Позднефеодальный город. Бухара конца XIX - начала XX вв. Автореф. дис. ...д.и.н. Ташкент, 1962. С. 7; Она же. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). Ташкент. 1958. С. 12.
5. Сухарева О. А. Бухара. XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). М., 1966. С. 19, 21; Она же. Позднефеодальный город. Бухара конца XIX - начала XX вв. Автореф. дис. ...д.и.н. Ташкент, 1962. С. 7; Она же. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). Ташкент. 1958. С. 12.
6. Тўраева Г.Б. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳалқлари этнографияси тарихшунослиги – рус шарқшунослиги мисолида. Хоразм Маъмун Академияси 2021 №1,-б-132-135
7. Akhmatovna D. N., Bahriddinovna T. G. Traditions related to harvesting grain crops in Bukhara region (The end of XIX century and the beginning of XX century) //Academy. – 2020. – №. 6 (57).
8. Ahmadovna, Jumayeva Nilufar, Utayeva Feruza Xolmamatovna, and Turayeva Guli Bahriddinovna. "From the history of the culture of farming in the Oasis Of Lower Zarafshan." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.2 (2021): 74-80.
9. NA Jumaeva, FK Utayeva CULTURAL SPONSOR-RELATED TO BOBODEHQAN TRADITIONS AND CEREMONIES (on the example of the Bukhara Oasis) Ўтмишга назар журнали 2020,5 (3)
10. Djumayeva, Nilufar Akhmatovna, and Guli Bahriddinovna Turaeva. "TRADITIONS RELATED TO HARVESTING GRAIN CROPS IN BUKHARA

REGION (THE END OF XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF XX CENTURY)." Academy 6 (2020): 39-40.

11. FK Utayeva, NA Zhumaeva THE INTERPRETATION OF THE REIGN OF MANGIT RULERS AND THEIR PERSONALITY IN PERIODICAL PRESS Ўтмишга назар журнали 2019, 22 (2)

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.

13. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.

14. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.

15. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.

16. Kholmamatovna, Utaeva Feruza, Jumaeva Nilufar Akhmatovna, and Turaeva Guli Bakhriddinovna. "Activities and Financial Status of Bukhara Mangit Rulers in The Years Of Independence." Middle European Scientific Bulletin 11.1 (2021).

17. Bahriiddinovna T. G., Nabixonovna K. F. From the history of traditional performances and national music in bukhara folk festivals //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 5. – C. 936-941.

18. Turaeva Guli Bahriiddinovna and Jumaeva Nilufar Akhmatovna. The coverage of the history of domestic and foreign trade relations of the emirate of Bukhara in the memoirs of ambassador P.I. Demezon and I.V. Vitkevich . International Journal of Applied Research// ISSN Print: 2394-7500 ISSN Online: 2394-5869 Impact Facto 5.2 IJAR 2020; 6(6): 49-51 Received: 06-03-2020 Accepted: 07-04-2020

19. O'tayeva F. X Аштархоний ҳукмдорлар бошқарув фаолияти мустақиллик ийллаидаги маабуот талқинида.Хоразм Маъмун Академияси 2021 №1,-б-80-85.

---

## АТАБЕГ СУЛТОНОВ

Земля как вид залога для обеспечения кредита и вопросы формирования механизма ее реализации (pp. 982-989)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-180.%20982-989.pdf>

## ХАСАН АЛИШЕРОВИЧ КУРБАНОВ, МУСТАФО ШАЙМАРДОНОВИЧ ЭШНАЗАРОВ

Инновационный методы мониторинга состояния бортов гидротехнических сооружениях примере Пскемской ГЭС (pp. 990-997)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-181.%20990-997.pdf>

---

## BOBIR BAXTIYOROVICH BOLTAYEV

Buxorolik miniatyrachi-rassom Sadriddin Pochchayev ijodiga bir nazar (pp. 998-1004)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-182.%20998-1004.pdf>

---

## Б. Б. УМАРОВ

Н.А.Кисляков тадқиқотларида Жанубий Тожикистон этник тарихи (pp. 1005-1009)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-183.%201005-1009.pdf>

---

## ГУЛИ БАХРИТДИНОВНА ТЎРАЕВА, ФЕРУЗА ХОЛМАМАТОВНА ЎТАЕВА, НИЛУФАР АХМАТОВНА ЖУМАЕВА

О.А.Сухарева тадқиқотларида Бухоро тарихи ва этнографиясининг ўрганилиши (pp. 1010-1018)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-184.%201010-1018.pdf>

---

## NIKMATILLA SHERZODJON O'G'LI NE'MATONOV

MATLAB dasturida elektr energiya tizimidagi katta turtkilar natijasidagi dinamik turg'unliginig matmatik va fizik modellarining tahlili (pp. 1019-1023)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-185.%201019-1023.pdf>

---

## ABDUVOXID ABDUG'AFFOR O'G'LI ABDULLAYEV

Elektr energetikasi mutaxasislik fanlarini o'qitishda Microsoft Excel dasturiy vositasidan foydalanish (pp. 1024-1028)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-186.%201024-1028.pdf>

---

## M. P. YUNUSOV, D. D. SHUKRULLAYEV

Qatlamlarni gidravlik yorish texnologiyasidagi muommolar va ularni texnik yechimlari (pp. 1029-1035)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-187.%201029-1035.pdf>

---

## MUHAMMADZOXID XABIBULLO O'G'LI ABDUQODIROV, SHOXIDA RAXMATULLAYEVNA МАНКАМОВА

Ikrom Akbarovning "Momo yer" musiqali dramasida xorning dramaturgik vazifalari haqida (pp. 1036-1038)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-188.%201036-1038.pdf>

---

## БОБУРБЕК УЛУГБЕК ЎҒЛИ МҮМИНОВ

Юқори тезликдаги контакт тармоғи линиясида электродинамик жараёнлар (pp. 1039-1045)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-189.%201039-1045.pdf>